ТОНГ ЮЛДУЗИ

№11
(6529)
13 апрель, 1993 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 3 сўм.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муқаддас орзулар

Уларнинг бир-бирига боқишларида, имо-ишораларида ҳали ўзлари ҳам тушуниб етмаган муқаддас бир ришта бор. Эҳтимол қизалоқ: "Мен Лайлию сен Мажнун" деб улардек бўлишни орзу қилаётгандир?!

Илоҳо, орзуларинг ушалиб, валфажр доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Ф. УМРЗОҚОВ.
фото-лавҳаси.

ТУШИМ ЎНГИДАН КЕЛАРМИКАН?

Мен ҳинд фильмларини севиб томоша қиламан. Уларда иштирок этадиган юлдузларга жуда-жуда ўхшагим келади. Келажакдаги бирдан бир орзуим ҳам актиёр бўлишдир. Бунинг учун эса ёшликданоқ пухта билим олиб, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнаша бориш, мактаб саҳнасида турли кичик-кичик роллар ижро этишни ўрганиш лозимлигини жуда яхши биламан. Лекин уларнинг барига имконият қани? Айниқса, қишлоқ жойларида. Биз таҳсил олаётган мактабда бир вақтлар ота-оналаримиз ҳам ўқиб кетишган экан. Бунинг нима ёмон томони бор экан деб ўйларсиз. Гап шундаки, мактабимиз жуда эски. Печкалари қишда ҳам ёқилмайди. Ёқилса, тутун чиқиб кетар эмиш. Спорт зали йўқлигидан қиш бўйи физкультура дарсларини синфда шахмат, шашка ўйнаш билан ўтказамиз. Ҳеч қандай тўгарак фаолият кўрсатмайди. Дарслардан бўш вақтларимизни қандай ўтказишни билмай гарангмиз. 1-5 синф ўқувчиларининг бепул нонуштаси икки ойгина берилди, холос. Бепул нонушта ҳам пулли бўлган чоғи, ҳозирда пули бор ўқувчиларгина буфетга киришади.

Кечалари актёр бўлишдек ширин-ширин орзуларим дарёсига гарқ бўлиб ухлаб қоламан-да, ажойиб тушлар кўраман. Тушимда янги, замонавий, синф хоналари компьютерлар билан жиҳозланган мактабда ўқир, эрта билан бепул нонушта қилиб, дарслардан бўш вақтларимизни турли тўгаракларда ўтказар эмишмиз. Мен ҳам бадиий ҳаваскорлик тўгарагига аъзо эмишман. Мактабимиз саҳнасида туриб шунақанги завқ билан қўшиқ куйлаяпманки, асти қўяверасиз. Бир пайт соатнинг қаттиқ жиринглашидан уйғониб кетаман...

Эҳ, барибир тушим ўнгидан келмаса керак, сиз нима дейсиз?

Нигора ҚОБИЛОВА,
Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги 1 Май мактабининг 10-синф ўқувчиси.



"СИЗЛАРНИ ТЎЙИМГА ТАКЛИФ ҚИЛАМАН!"

Ростдан ҳам Асқаржон ҳаммамизни суннат тўйига таклиф қилиб, муҳарририятимизга мактуб йўллабди. Бунақаси "Тонг юлдузи"нинг тарихида сира бўлмаган. Шунинг учун ҳам Асқаржоннинг истагини ўзининг сурати билан ҳеч иккиланмай газетамизнинг биринчи саҳифасида бераяпмиз. Бироқ унинг бир шарти бор. Ҳамма гап шунда. У бўш вақтларида энаси Зулайҳо опа Исмоиловадан кўплаб шеър, ҳикмат ва ривоятларни ёд олиш билан бирга, араб имлосидаги оятларни ўрганаркан. Келажакда эса катта олим бўлмоқчи экан. Техник фанларга қизиқиб, чет эл сақичлари ўралган "Тойота", "Мерседес", "Форд" каби машиналарнинг расмларини йиғиш ҳам жонудили эмиш. "Катта бўлсам, мен шундай машиналар ихтиро қиламан" дейди ўз мактубида.

Хуллас, Асқаржоннинг мақсадини тушунгандирсиз. Агар сиз унга "дўстгинам, менинг ҳам ўз қизиқишларим бор" деб мактуб йўлласангиз, у хурсанд бўлади. Ва у сизга суннат тўйи шу ёзнинг қайси кунида бўлишини ёзиб юборади. Мана унинг манзилгоҳи: **"Сирдарё вилояти, Ховос шаҳри, С. Айний кўчаси, 36-уй. Асқаржон ИСМОИЛОВ".**

ОЛИМПИАДА ЎЗИНИ ОҚЛАДИ

Яқинда Тошкентда Ёш ҳуқуқшуносларнинг 1 Республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида таълим олаётган 82 нафар ўқувчи иштирок этди. Олимпиада иштирокчилари ўз мактабларида, туман ва вилоят мусобақаларида иштирок этишиб, ғолиб чиқишган. Ҳакамлар ҳайъати ушбу мусобақа дастурларини бир ой аввал ишлаб чиқиб, ўқувчилар шунга кўра жиддий тайёргарлик кўришган эди.

Дастурга кўра, ўқувчилар аввало тестлар асосида ёзма иш топиришди. Саволлар асосан фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, давлатчилик, ҳуқуқий давлат тушунчаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юзасидан эди. Сўнг ҳар бир ёш ҳуқуқшунос дастурга киритилган 11 та мавзу юзасидан уйида тайёрлаб келган рефератларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этди.

— Хурсандчилигимни ичимга сиғдира олмаяпман, — деб ўз ҳаяжонини яширмайди олимпиада иштирокчиси — Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 11-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Рашид Назаров. — Балки мен ғолиб бўлмасман. Аммо мен ўзимнинг нимага қодир эканлигини намойиш эта олишимни тўла ҳис этдим. Ўзимнинг жиддий ҳаётга тайёрлигимни дадил ҳис эта бошладим, Фан олимпиадаларининг моҳияти ҳам ана шунда шекилли.

Ниҳоят, ҳаяжонли дамлар яқинлашди. Олимпиада иштирокчилари сабрсизлик билан ҳакамлар ҳайъати қарорини кутишарди. Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти ректори Анвар ака Аъзамхўжаев раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати эса саралар ичидан сараларини ажратиши керак эди. Олимпиада 9-, 10-, 11-синфлар орасида алоҳида ўтказилгани учун ғолиблар ҳам уч гуруҳдан иборат бўлди: 11-синф ўқувчилари орасида Ангрен шаҳридаги 6-мактаб ўқувчиси Р. Магдеев 1-ўринни, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри Огаҳий номидаги лицей ўқувчиси Бобохон Ҳамидов 2-ўринни, Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги 23-мактаб ўқувчиси Маъмурахон Исмоилова 3-ўринни қўлга киритишди. Қувонарлиси шундаки, уларга пул мукофоти топширишди ва улар яна бир катта маррани эгаллашди — Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти студенти деган номга сазовор бўлишди. Олимпиада иштирокчиларининг 11-синф ўқувчилари орасида яна Беседина Юля (Тошкент), Майрам Абдураимова (Андижон), Шуҳрат Мақсудов (Сурхондарё) Тошкент ҳуқуқшунослик коллежининг талабалари бўлиш шарафига муяссар бўлдилар. 10-синф ўқувчилари орасида ғолиб чиққанлар Адлия вазирлиги таъсис этган қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Улар кейинги йилда бўлиб ўтадиган Ёш ҳуқуқшунослар олимпиадасининг якунловчи, жумҳурият мусобақасига тўғридан тўғри қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

9-синф ўқувчилари орасида ғолиб бўлганларга ҳам бахт кулиб боқди. Л. Юсупова, О. Одилов Тошкент ҳуқуқшунослик коллежининг талабалари бўлишди.

Мусобақа якунланди. Барча хурсанд: ғолиблар ҳам, ғолиб бўлмаганлар ҳам. Чунки улар жумҳуриятнинг энг юқори, энг жиддий синовларида иштирок этиб, ўз қобилиятларини синаб кўришди. Бир сўз билан айтганда, ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари У. Абдусаломовнинг "Олимпиада ташаббускорлари ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришдилар. Олимпиада ўзини оқлади", деган сўзлари тамомила ҳақиқат эди. Энди бизнинг кўнглимиз тинч — мустақил Ўзбекистонимизнинг келажакда ютуқ ва шаънини ҳимоя қила оладиган ёшлар орамизда кўп экан.

6 ёшда-бастакор

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (973 — 1048 й.)

Абу Райҳон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад Ўрта асрнинг буюк энциклопедист олими бўлиб, астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия фанларини ёшликданоқ мукаммал эгаллаган. Араб, суғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларини яхши билган.

Берунийнинг яшаган даври Хоразмнинг ва бутун Ўрта Осиёнинг араб ҳукмдорлигидан озод бўлган йилларига тўғри келади. У дастлабки чуқур ва кенг қамровли маълумотни Хоразмнинг маданият ва савдо маркази бўлмиш йирик Урганч шаҳрида олади. Ўз даврининг буюк донишмандлари, йирик олимлари билан мулоқотда бўлади, ўзининг дастлабки асарларини яратади.

19 ёшида "Аждодларимиз хотираси" (Ал асо-ул-бакия ан ил-курун-халия" номли асарини ёзади. Бу асарида турли халқларнинг тақви тартиби, тарихи, урф-одатларига оид жуда бой маълумотларни жамланган. Такрорланмас истеъдод, меҳнатсеварлиги билан Беруний Урганчнинг етакчи олими бўлиб етишади.

1031 йилда ўзининг "Ҳиндистон таърифи" асарини ёзиб тугатади. Бу асарда тарихий-географик характердаги илмий иш саналади.

Ўз даври фан тараққиёти ютуқларини ўргана бориб, Беруний астрономия фани ривожига ҳам улкан ҳисса қўшди. Табиатдаги эволюцион ривожланиш таълимотини яратди. География, гидрология, минералогия ва фармакология соҳасида қилган изланишлари Ўрта аср фанининг йирик ютуқларидан саналади.

Шу билан бир қаторда Беруний адабиётшунослик ва филология фанлари бўйича қилинган чуқур аҳамиятга молик изланишларнинг ҳам муаллифидир.

Берунийнинг қадимий халқлар маданиятига, Хоразм ўтмишига оид қилган тарихий меҳнатлари ҳали-ҳамон ўз қимматини йўқотмаган, ҳозирги даврда ҳам илмий аҳамияти қадрланиб келмоқда.

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980—1037 й).



Жаҳон маданиятининг йирик намоёндаси, улуғ ҳоким энциклопедист олим ва етук шоир Ибн Сино 980 йили Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида дунёга келади. 985 йилда улар оиласи Шарқнинг маданий маркази, йирик ва феодал шаҳри саналмиш Бухорога кўчиб келади. Ўша даврда кўпгина олиму шоирлар бой кутубхонаси, йирик китоб бозори бўлмиш бу шаҳарга кўчиб келишарди.

Кичкина Ибн Сино дастлаб мактабда ўқиди, сўнгра мустақил равишда астрономия, математика, мантиқ, тиббиёт, жуғрофия, физика фанлари билан шуғуллана бошлади. Ўн олти ёшли ўспирин фан оламида ўз мавқеига эришди. Билимларини мустаҳкамлай бориб, кучли ҳаким сифатида элга танилди.

Ёш олимнинг фалсафий дунёқарашининг ривожида кўпгина олимларнинг, хусусан, Ўрта осиёлик файласуф Фаробийнинг, юнон файласуфларининг энг яхши асарлари таъсири беқиёс бўлган. Кейинчалик Ибн Сино тақдир тақазоси билан Хоразмнинг Урганч шаҳрига келади. Бу ерда у Ўрта Осиёнинг турли бурчакларидан келиб қолган олимлар қуршовида бўлади. Улар сафида ўзбек фани тараққиётининг асосчиси Беруний ҳам бор эди. Ибн Сино Урганчда ўзининг йирик тиббий асари "Тиббиёт қонунлари"ни ёзди.

Жаҳон тараққиётида Ибн Синонинг хизматлари беқиёсдир. У икки юздан зиёд асарлар қолдирган. Беш томлик "Тиббиёт қонунлари" тиббий асари тез орада лотин тилига таржима қилиниб, бир неча юз йиллар давомида Европа ва қатор Шарқ мамлакатларида кенг қамровли тиббиёт дарслиги бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Фалсафа соҳасида ҳам худди тиббиёт сингари олимнинг тутган мавқеи беқиёсдир.

Буюк олим Ибн Сино ижодида унинг "Нажот китоби", "Донишмандлик китоби" ҳамда "Ишорат ва танбеҳ" каби асарлари алоҳида ўрин тутади.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида Ибн Синонинг номи ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.

10 ёшда-шоир

МУҲАММАД ТАРАҒАЙ УЛУҒБЕК (1394-1449й)

Ўрта Осиё маданиятининг йирик, кўзга кўринган намоёндаларидан бири Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) 1394 йил 22 мартда туғилган.

1405 йилда Амир Темур вафотидан кейин унинг авлодлари орасида тожу тахт талашиб, урушлар бошланиб кетди. Тўрт йил давом этган феодал урушларидан сўнггина Темурнинг учинчи ўғли Шоҳруҳ томонидан вақтинчалик осойишталикка эришилди. Икки мустақил давлат барпо этилди. Шоҳруҳ бошчилигида Ҳиротнинг марказида Хуросон мамлакати ҳамда унинг ўғли Улуғбек бошчилигида Самарқандннинг марказида Мовароуннаҳр мамлакати таркиб топди.

Жуда ёшлик чоғиданоқ ҳукмдорлик қилган, юрт сўраган Улуғбекнинг ҳукмдорлик қилган даврида мамлакат иқтисоди ва маданияти гуркираб ривожланди. Замонасининг илғор кишиларидан бўлмиш Улуғбек қурилишга зўр эътибор билан қаради, олимларга ҳомийлик қилди. Унинг даврида Самарқанд ва бошқа шаҳарларда кўплаб мадрасалар барпо этилди. Бу мадрасаларда Улуғбек илм толибларига астрономия фанидан сабоқ берарди. Давр ютуғи бўлмиш Самарқанд обсерваторияси қурилишида Улуғбек бевосита иштирок этган.

Улуғбек фан билан жиддий шуғулланди, олимларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилди, тарихий маданиятни ўрганди. Муҳаммад Ибн-Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино каби буюк донишмандлар тажрибасига таянган ҳолда астрономия фани ривожига улкан ҳисса қўшди, замонасининг етук олими сифатида танилди. Унинг йигирма йиллик меҳнати маҳсули бўлмиш — "Юлдузлар жадвали" Улуғбекни жаҳонга танитди. Юлдузлар жадвали ҳалиҳамон ўз қадрини йўқотгани йўқ. У олимларимизга турли даврларда юлдузларнинг жойлашиши, улар ҳаракатини аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Реакцион гуруҳлар фаннинг тараққиёти билан келиша олмасдилар. Шунинг учун ҳам Улуғбек ва унинг издошларига қарши доимо курашиб келганлар. Ва, минг афсус 1449 йил 27 октябрда Улуғбек ўз ўғли томонидан ваҳшийларча ўлдирилган.

АЛИШЕР НАВОИЙ (1441-1501 й.)

Улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Зийрак қобилиятли Алишернинг ўқишга ҳаваси жуда барвақт уйғонди. У жуда ёш (замон одати бўйича бола 4 ёш, 4 ойу 4 кунлик бўлганда мактабга берилган) мактабга қатнай бошлади. Адабий асарларни, айниқса, мағлур форс адиби Шайх Саъдийнинг "Гулистон ва Бўстон" асарини севиб мутолаа қиларди. Эрон шоири Фахриддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" асарини эса бошдан оёқ ёд олган эди. Мутолаага берилиб кетган жажжи Алишер болаларга, ўйин-кулгуларга аралашмай қўяди. Бу ҳол эса ота-онасини ташвишга солади.

Отаси Ғиёсиддин кичкина адабиётга жуда қизиққан одам бўлганлигидан ўғлида ҳам адабиёт ва санъатга меҳр уйғотишда катта таъсири бўлган. Алишер адабиёт билан шуғулланиш билан бир қаторда машҳур мусиқашунос Хожа Юсуф Бурхондан мусиқа сирларидан, сабоқ олди. Ҳусни хатни ўрганди. Ўзбек, эрон, араб адабиёти билан чуқур таниша борди. Унинг ижоди жуда эрта бошланди. 10—12 ёшлик чоғиданоқ ўзининг шеърлари билан замонасининг пешқадам шоирлари диққатини ўзига жалб қилди, истеъдодли ёш шоир сифатида танила борди. Навоийнинг гўдак ёшида ёзмиш ғазалига Лутфийдек нозиктаъб шоир бутун ижодини алмашишни орзу қилганини ўқиганда беихтиёр фахрланамиз.

У ёзган асарларида гўзал инсоний фазилатларни улуғлади. Инсоннинг дунёдаги энг олий мавжудот эканлигини қайта-қайта таъкидлади. Одамлар орасидаги ўзаро ҳурматни, яхшиликни, самимийликни мадҳ этди.

Навоий мамлакатда форс ва араб тиллари жуда юқори мавқега эга бўлиб турган бир пайтда ўз она тилининг қимматини кўтаришга ҳаракат қилди. Ўша даврда туркий тил деб аталган эски ўзбек тилининг форс ва араб тилидан қолишмаслигини исботлаш мақсадида "Ҳайратул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр", "Садди Искандарий", достонларидан ташкил топган "Хамса" асарини яратди. Тўрт девондан иборат "Хазойинул-маоний" шеърлар тўпламини битди.

Эски ўзбек тилининг бойлигини илмий жиҳатдан асослаш учун "Муҳокаматул-луғатайн" деб номланган асарини ёзди.

Алишер Навоийнинг чуқур мазмунли минглаб ғазаллари, йирик достонлари, ўнлаб илмий асарлари она тилимизнинг шаклланиши ва тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шоирнинг ўзбек ва тожик тилларида яратган 100 минг мисрадан зиёд бадиий мероси тарих, фалсафа, адабиётшунослик, тилшунослик, мусиқашунослик сингари ўнлаб фанлар ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган илмий асарлари жаҳон маданияти тарихидан муносиб ўрин эгаллади.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР (1483-1530 й)

XIV-XVI асрлар ўзбек классик адабиётининг машҳур намоёндаларидан бири, шоир, олим ва ниҳоят йирик марказлашган давлат барпо этган давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда таваллуд топган. Унинг отаси Умар шайх темурийлар авлодидан бўлиб, Фарғона вилоятида ҳукмдорлик қилар эди. Бобур жуда ёшлик чоғлариданоқ фан, адабиёт ва санъат билан шуғулланиб бориб, замонаси учун тўлиқ саналган маълумотга эга бўлади. 1494 йили отаси Умар шайхнинг вафотидан сўнг 12 ёшли Бобур мамлакатни идора эта бошлайди. Бу вақтда темурийлар ўртасида ўзаро феодаллар урушлари, тожу тахт учун кураш давом этарди. Бобур ҳам бу курашларда бевосита иштирок этади. Мамлакатда тинчлик ўрнатиш, тартиб жорий қилиш учун куч-қувватини бағишлайди. Лекин шунга қарамай у ғалаба қозона олмайди. 1504 йилда қўшинларининг қолган қисми билан Афғонистонга, ундан эса Ҳиндистонга томон йўналади.

1525 йилда Шимолий Ҳиндистонни забт этади. Шу даврдан бошлаб Ҳиндистон Бобурнинг иккинчи ватани бўлиб қолади. У ўз атрофига замонасининг энг яхши шоиру олимларини жамлаб, севимли машғулоти адабиёт билан шуғуллана бошлайди, бунёдкорлик ишларини амалга оширади.

Бобур гарчанд ватанидан йироқда умр кечирсада, ўзбек адабий тилининг равнақига, ўзбек адабиёти ҳамда шеъриятининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўша олди.

Бобурнинг ўзига хос, такрорланмас шеърияти жарангдорлиги ҳамда содда тиллиги билан ажралиб туради.

Айниқса, унинг

"Бобурнома"си замонасининг энг мукаммал асари ҳисобланиб, жаҳон адабиётига қўшилган бебаҳо дурдона бўлиб қолади. Бу асари XIX асрда кўпгина Шарқий европа мамлакатлари тилларига таржима қилинди.



Бобур ғазалларидан, рубойлардан ва мактубларидан жамланган икки йирик тўплам ёзиб қолдирган. Булардан ташқари Бобур яна илмий ишлар билан ҳам шуғулланган. Мусиқа асослари ҳақидаги асарлари, этикадан изланишлари афсуски, бизгача етиб келмаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари бугунги кунда жаҳон адабиёти дурдоналарига айланди. "Мубаййин", "Рисолайи аруз", "Бобурнома" каби ижод намуналари авлодларни маънавий камолотга, юксакка кўтарувчи улуғ бадиий чашмалардир. Соҳир туйғуларга, чуқур фикрларга бой лирикаси эса шоирни дилларга яқин этгувчи қанотлардир.

ВОЛЬФГАНГ — АМАДЕЙ МОЦАРТ (1756-1791 й)

1756 йилнинг 27 январида Зальцбург шаҳрида Моцартлар оиласида ўғил Вольфганг-Амадей Моцарт — бўлажак гениал композитор дунёга келади. Боланинг мусиқа истеъдоди жуда барвақт намоён бўлади: уч ёшга етганида эшитган куйлари ва аккордларини клавесинда чалиб кўришга уринади; унинг дастлабки мусиқа асарлари — кичик рақс пьесалари беш ёшлик чоғида ёзилган.

Отаси Леопольд Моцарт ўғлидаги ёрқин мусиқа қобилиятини сезиб уни клавесинда чалишга ўргата бошлайди. Сўнгра скрипка билан органда чалишни ўргатади, машҳур композиторларнинг асарлари, мусиқа назарияси асослари билан таништиради, унинг дастлабки пьесаларини дафтарга ёзади.

Кичкина Вольфганг нота ёзишни сал-пал ўрганиб олиши биланоқ, соатлаб мусиқа асари ёзишга уринарди. Йирик формадаги қийин асарларни ҳам дарров ўзлаштириб олар, йигинларда зўр иштиёқ билан қатнашарди.

Вольфгангнинг мусиқа истеъдоди "кун сайин эмас, балки соат сайин ўсиб борарди. Отасининг раҳбарлигида етти ёшида катта ютуқларга эришади. Чунки отаси ўғлини Зальцбург ташқарисида "мўъжизали бола" сифатида кўрсатмоқчи бўлган эди. Шу мақсадларда кичик Вольфганг жуда кўплаб мамлакатларда концертлар бериб юради. Айниқса, императорнинг Вена яқинидаги ёзлик Шеннбург резиденция-чорбоғида ўтказилган концертларда қатнашган Вольфганг сарой композитори Г. К. Вагензейль иштирокида энг қийин клавир концертларидан бирини тайёргарликсиз чалиб, ҳаммани ҳайратда қолдиради.

Император Франц I Вольфгангнинг чалган куйини эшитгач, унга ҳазиллашиб: "бармоқларнинг ҳаммаси билан чалиш унчалик қийин эмас, клавесин пардаларини бирор мато билан беркитиб, бир бармоқ билан чалсанг, ана унда кишини қойил қолдирасан", — дейди. Императорнинг сўзларига жавобан кичкина Моцарт бир бармоқда енгиллик билан тез-тез чалиб беради, ундан кейин эса клавесин пардаларининг устини ёпиб қўйиб чалади.

Моцарт болалик йилларида қизғин концертларда иштирок этиш ва ижодий иш қилиш билангина кифояланиб қолмай, тарих, география, ҳисоб, чет тили, айниқса, итальян тилини ўрганади. Бу тилни мукаммал ўрганиб олиши кейинчалик уч пардали "Содда муғомбир" ҳажвий операсини ёзишида қўл келади. Ўн икки ёшли Моцартнинг навбатдаги бир пардали ҳажвий операси "Бастьен ва Бастьенна" унинг ватанида шу кунларда ҳам қўйилиб келмоқда. Ўн тўрт ёшида эса Миландан опера ёзишга буюртма олиб, уч пардали янги операси "Понт подшоҳи Митридат"ни ёзди. Унинг ўн олти ёшгача ёзган асарлари сони юздан ошиб, буларнинг кўпчилиги зўр шуҳрат қозонган эди. Бу вақтга келиб унга "мўъжиза гўдак" ёки "митти сеҳргар" деб қарамайдиган бўлишган эди. У энди истиқболи порлоқ, атоқли композитор бўлишга улгурган эди.

12 ёшда-подшоҳ

Ибн Сино, Алишер Навоий, Беруний, Моцарт, Бетховен, Бобур... Олиму фозиллар, адабиёт ва санъат даҳол ари, юрт сўраган саркардалар! Ким уларни билмайди, ким ҳам улардек бўлишни орзуламайди...

Дарвоқе, истеъдод ва иқтидор бир-бири билан эгизак тушунчалардир. Зеро, бундай фазилатлар ҳар бир болада мужассам бўлиши мумкин. Фақат уни ўз вақтида пайқай билиш, шакллантириш, мақсад сари йўналтириш зарур. Фарзандларимиздаги қобилият ота-оналар ҳамда устозларимиздаги ҳар бир бола қалбига қулоқ тута билиш, уларга нисбатан эътиборлироқ, талабчанроқ бўлиш каби фазилатлар билан қоришиб кетса, нур устига нур бўлур эди.

Шояд, 2-3-синф дастурларини бир йилда ўзлаштириб олаётган жажжи Бобиру Абдулазизларимиздан келгусида худди боболаридек халқимиз шуҳратини жаҳонга тарата оладиган ҳақиқий даҳолар етишиб чиқса.

ДАРСХОНАНГИЗГА, КЎРИНАРЛИ ЖОЙГА ОСИБ ҚЎЙИНГ!
КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ, ИЛОЁ, СИЗ ҲАМ ЭРИШИНГ!

бўлиши мумкин!

Қутлаймиз!

Қутби НОСИР қизи — 50 ёшда

Қутби опани кўриб, шу ёшга кирган деб ҳеч ўйламайсиз. Кўринишида баҳорий ёшариш, ҳамиша юзларидан нур ёғилиб туради. "Эҳтимол, — деб ҳазил қилади опа. — Менинг ёшариб кўринишимга шу қувноқлик сабабдир".

Қутби опа фақат ҳаётдагина эмас, балки ижодига ҳам қувноқлик кўчган. Опанинг "Ойижон, ойи", "Лайлак қор", "Тинчлик бобо", "Нон ҳақида қўшиқ"каби шеърий тўпламларини ҳамда "Куртаклар" номли қиссасини ўқисангиз бу сўзларга ишонасиз.

Дарвоқе, опа кўп йиллар "Ленин учқуни"да ҳам фаолият кўрсатган. Айни кунларда "Муштум" журналида ишламоқда.

Қутби опани катта тўйи билан кўп минг сонли муштарийларимиз номидан қутлаб, илоҳо, ҳамиша қувонч тарк этмасин, деймиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Қутби НОСИР қизи

Илон авровчи

ҲИКОЯ

Уйимизга толибни ижарага қўйган эдик. Онда-сонда унинг хонасига кириб гаплашиб ўтиришни яхши кўраман. У қишлоғидаги қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб беради.

Бир кун ўртоқларим билан дарс тайёрлаб ўтиргандик. Солижон акам ўқишдан келиб қолдилар.

— Солижон ака, қишлоқдаги гаплардан борми? — дедим у кишининг гапини олиш учун.

— Қани, чойдан қуй, сенлар билан бир гурунглашай. Қишлоғимизда бир илон авровчи чол бўларди. Шаҳарликлар айтгандек: оти йўқ илон чақса, шунга келишарди. Қандай даволарди, билмайман, аммо келган одам шифо топиб кетарди.

Чолнинг набираси Ашур биз билан ўртоқ эди. Уларникига кирганимизда чолнинг илон ўйнатиб ўтирганини кўп кўрганмиз. Унинг иккита оқ илони бор эди. Кўпинча шуларни тиззасига кулча қилиб силаб ўтирганини кўрардик.

Бир куни Ашур шундай гап топиб келди. Ҳасан-Ҳусан чақалоқ укалари бор эди. Кечаси онаси уларни эмизгани турибди. Бешикда ётган Ҳасаннинг бошини кўтараман деса, чақалоқнинг боши ўз-ўзидан кўтарилибди. Бундай қараса, ёстиқчаси остида оқ илон кулча бўлиб олиб, боланинг бошини кўтариб турганмиш. Ҳусаннинг боши остида ҳам иккинчи оқ илон ётган эмиш. Гўё улар чақалоқни қўриқлашаётгандек.

Биз ҳайрат тўла кўзларимизни Солижон акага тикамиз. Бир-биримизга яқинроқ ўтириб биқиниб оламиз.

— Ана шу илон авровчи чолга менинг кенжа тоғамни даволашга олиб келишган, — дейди бизни яна ҳам қизиқтириб Солижон ака, — Тўртала тоғам пичан ўримига чиқишган. Улар даланинг тўрт томонидан ўримга тушиб, қоқ ўртасида учрашмоқчи бўлишган, яъни "Ким аввали етиб келишга" мусобақалашишган. Учала тоғам даланинг ўртасига етиб келишгану кенжа тоғамдан дарак йўқ эмиш. Кутишибди, келмабди, "Хабар олайлик, тинчликмикан?" ҳайрон бўлишибди улар. Аста юриб боришса... пичанзорда кичик тоғам, суратга тушаётгандек эгилганча қотиб турганмиш. Тоғаларим бундай қарашса, бир илон бош кўтарганча тоғамга қимир этмай қараб турганмиш. Илон шишиб кетганмиш. Тоғамнинг яктагининг ёқа тугмаси бўйни шишиб кетгандан узилай деб қолганмиш. Шу пайт ўртанча тоғам "тугма!" деб бақирибди. Ўша заҳоти тугма чирт этиб узилибдию илон ҳам пақ этиб ёрилибди. Эмишки, илоннинг номи "Тугма" бўлган экан. Отини айтиш билан ёрилиб ўлибди. Тоғам ҳушидан кетиб йиқилибди, шундан сўнг уни замбилга солиб илон авровчиникига олиб келишади. Ҳовлини бола босиб кетган. Тоғаларимнинг айтишича, чол: "Энди илоннинг жуфти қидириб келади, келиб авраш керак", дебди. Илон авровчи тоғамни қирқ кун ўқиди. Қирқ биринчи куни унинг шиши қайтиб ўрнидан турди.

Кўп ўтмай илон авровчи чолни дин ҳомийси деб айблашди. У бунга чидолмади. Кўп ўтмай ўлди. Ўғли унинг илонларини чўлга олиб бориб ташлади. Шунда ҳам унинг севган икки оқ илони уйни топиб келибди. Илон авровчи чолни эса ҳамма эслаб юрди.

РУҲИЙ УЙҒОҚЛИК САРИ

(ЁШ ҚАЛАМКАШЛАРНИНГ ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ)

Шеърият аталмиш хилқат қалбига ёруғлик улашаётган, мурғак хаёлоти чексиз осмонга бўйлаётган ёш қаламкашларнинг шеърларини ўқиб, умид учқунларини илғагандек бўласан киши. Кўнгил мулкини обод қилмоқ учун назм гулларидан гулли сатрлар термоқ истаганларга ҳавасинг келади.

Донолар айтганидек, нозик таъб инсонлар яхшиликка ҳамиша ҳамроҳ бўлишган, дунёни порлоқ манзилларга чорлаган. Беихтиёр шеъриятга ошно юракларда унинг залвор юкини кўтаришга қодир куч борлигига ишонмоқ истайсан.

Умидларга ишонган эдим
Тунларим ҳам алдади.
Кўролмадим тушларимда ҳам
У...нинг баҳорий юзини.

деб ёзади Сурхондарё вилоятининг Вахшивор қишлоғидаги 36-мактаб ўқувчиси Зарифжон Қурбонов бизга йўллаган шеърида. Дарвоқе, бу шеър газетамизнинг ўтган йил 3 ноябрь сонида эълон қилинган эди. Дардли юрак умидларга ишониб тунни кутади. Чунки тунда у туш кўради ва албатта тушига "У..." киради. "У..." қалбга малҳам, юлдузлар остида тонг отаргача сирдош. Аммо унинг баҳорий юзини кўролмайди, кўпдан буён алдаб келаётган умидлари, яна бир бор уни алдайди.

Нима қилмоқ керак бу қайсар бир сўзли юракни? Худди шу дамда "изтироб уни излаб топади" ва айнан таниқли бир шоир айтмоқчи "унинг тоза масъум кўнглига ошно бўлади".

Шодликлар қалбига сиғармиди гоҳ,
Меҳр қўлларида силанмас бошим.
Бўғзимда саргайиб қолар бир савол
Дардлар кўксидаги гулми, бардошим? !

Ёш ҳаваскор шоир ўзини чуқур таҳлилдан ўтказади, ўзининг кечмишлар олдида ҳақлигига ишонади ва ўз бахтсизлигини қалб жароҳатларини "ҳаммага" ошкор этишдан чўчимайди. Дард ундан бир кун ғолиб келиши мумкин, у буни сезиб турибди ва идроки боис "бардош"дан сўрайди: "Дардлар кўксидаги гулми?..." Лекин бардошинг гулга ўхшамасин, чунки гулнинг хазони бор.

Шунингдек, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Инобат Бобоқулованинг "Оналар тилаги" шеърида "Ҳа, оналар тилаги фақатгина эзгулик" дейди. Буюк бобомиз Алишер Навоий "Оналар оёғи остидадир равзаю жаннат боғи" дея айтганида минг бора ҳақ эди. Она дарди, олам дарди. Инобатнинг самимий шеърлари бу покиза туйғуларни жамул жам этгандек. Қалбида эзгу туйғуларни асраган ҳар бир инсон дунёни болалик нигоҳида соф кўриши керак. Дўстини аввало инсон сифатида ҳурмат қилган одам гадога ҳам хайрихоҳ боқади, юраги ачинади, қисматдош бўлгиси келади.

Одамийликнинг йўли узоқ... Унинг поёнига етиш мушкул.

Инсон қадр-қиймати эса бу йўлда синовдан ўтади, камол топади.

Қилмоқчи бўлсанг
Дўстларга ҳурмат
Гадонинг олдини тўсма.
Етмоқчи бўлсанг
Вафонинг узоқ йўлига
Бахтиёрлар йўлини тўсма

деб ёзади Зебохон Отажонова.

Адабиётга ҳавасманд бўлган юракдан ёмонлик ва ёвузлик чекинади. Бунинг учун шоир бўлиш шарт эмас. Мактаб остонасида ҳали таълим олаётган, шеър ёзишга қизиққан болалар жуда кўп.

Мана шулардан баъзиларини санаб ўтамиз: Хоразм вилояти, Кўшкўпир туманидан Азиза Рўзимова, Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги 19-мактабнинг ўқувчиси Н. Ҳакимова, Сирдарё вилояти Гулистон туманидан Гулчеҳра Файзуллаевалардир. Шубҳасиз, уларнинг орзулари чексиз.

Муҳарририятимиз ғаладонида худди шундай ҳаваскор ўқувчилар шеърлари талайгина. Уларни бўш фикрларнинг шундоққина баёни, деса ҳам бўлади. Шоир бўлиш учун ҳавас қилишгина эмас, "қанча тунларни бедор ўтказиш," катта матонат, сабот, руҳий уйғоқлик ҳам зарур.

Шоирлик – қисмат! Уни қисмат эканлигини англаб етганларгина ҳақиқий шоир бўлиб етишади.

Биз муҳарририятимизга ўз шеърларини йўллаган барча ўқувчиларга миннатдорчилигимизни билдириб, ушбу мақолани ўз машқларига жавоб деб билишларини сўраймиз ва тугалланган шеърларини кутиб қоламиз.

Аввалбек РЎЗИМУРОД.
Адабиёт ва санъат бўлими.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Фарзандларимиз ҲАСАНЖОН ва ҲУСАНЖОН !

Сизларни олти ёшга қадам қўйишларингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизларга дунёдаги барча яхши тилакларни – мустаҳкам соғлик, боқий умр, қувонч, юксак бахт тилаймиз. Омад сизларга доимо ёр бўлсин!

Дадангиз Зарпулла, онангиз Латофат, ака ва опаларинг: Ғайрат, Мирзоҳид, Назокат, Беҳзод, Фароғат.

ИНАТУЛЛАЕВЛАР оиласи
Жиззах вилояти,
Дўстлик тумани.

***

— Карим, тўғрисини айт, уй вазифасини ким бажарди?

— Билмайман, малим, чин сўзим, мен эртароқ ухлаб қолган эдим.

**

Ҳандалар

Бош муҳаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Напр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г – 128. 67539 нусхада босилди. Ҳажми – 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А – 3.
Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00. 1 2 3 4 5 6